

Мансур Юнус

МАНГУ ЛАҲЗАЛАР

Шеърлар

Тошкент
“Янги аср авлоди”
2011

Истеъдодли ёш шоир Мансур Юнус шеърлари республика матбуотида мунтазам равишда чоп этилмоқда. Кўпчилиги қўшиқ бўлиб, таникли хонандалар томонидан ижро этилмоқда. Улар турли кайфиятда, турли руҳий холатларда ёзилган бўлса-да, кўнгилга яқин, сахарнинг сарин саболаридек ёқимлилиги билан сизга манзур бўлажак, азиз китобхон!

Китобни нашр қилишда яқиндан кўмак берган Шаҳрисабз туманидаги “Ахмедов Актам Бухорович” фирмаси раҳбариятига ўз миннатдорчилигимни билдираман.

ИЖОДИЙ ПАРВОЗ

Мансур Юнус қобилиятли, истиқболли ёш шоир. Унинг нашр этилган “Тонг саболари”, ҳамда қўлингиздаги “Мангу лаҳзалар” шеърлар тўплами шундан далолат беради.

Ёш шоирнинг шеърлари ўз халқига, она юртига муҳаббат билан тўла. Бу шеърлар шоир қалбининг нафис туйғуларини муносиб бадиий либосда акс этдирадилар.

М.Юнуснинг ижодига улкан ютуқлар тилаб қоламан.

**Азиз Қаюмов,
Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби.**

ВАТАН БУ

Ўзбек элим мақбаралар савлатинг,
Қадим мерос мадрасалар давлатинг,
Завол билмас мангу буюк санъатинг,
Темурийлар даврон сурган Ватанбу!

Ҳисор тоғларидан баланд бардошинг,
Сурхон сойларида оққан кўз ёшинг,
Катта карвон бугун улуғ юртбошинг,
Навоийлар макон қилган Ватан бу!

Улуғбекни посбон қилган юлдузлар,
Синолардан дармон топган кўр кўзлар,
Мусофиридир, юзлаб ўғлонин излар,
Бобурларга армон бўлган Ватан бу!

Билсанг Ватан, ҳар бир қалбда саждагоҳ,
Қўшиғимсан, куйларимга бўл ҳамроҳ,
Ўзбек элим сени асрасин Аллоҳ,
Тангриим назар солган улуғ Ватан бу!

ВАТАН

Сенда кўзим очдим, сенда дунё кўрдим,
Сени алланг сехридан мен кучга тўлдим.
Сен бешигим тебратдинг, чин инсон бўлдим,
Мен пойингда сажда қиласай, она Ватан!

Боболарим ҳоки ётган она замин,
Момоларим алёр айтган она замин.
Чимдим лойинг билан қушлар қуради ин,
Тупроғингни кўзга суртай, она Ватан!

Фарзандингман, сочингдаги битта толанг,
Дардларимнинг саноғи кўп-ўксик боланг.
Ўтмишдаги армонингман – буюк ноланг,
Бўйгинингга тумор бўлай, она Ватан!

Бир кун танам азиз тупроғинг қучади,
Руҳим абад пок осмонингда учади.
Ҳар баҳорда қабрим узра гул унуди,
Дардларингни ўзим олай, она Ватан!

Сенда буюк аждодларим топди имкон,
Меросидан авлодларим топар дармон.
Сени қадрингни билмаган нокас, нодон,
Мен улардан ўч олайн, она Ватан!

ЎЗБЕКИСТОНИМ

Қўлимдаги созим, илҳомим,
Тилимдаги гўзал достоним,
Муқаддас сўз ўтли каломим,
Мана шу юрт - Ўзбекистоним.

Амир Темур Ватанидур бу,
Мир Алишер масканидур бу,
Мирзо Бобур гулшанидур бу,
Мана шу юрт- Ўзбекистоним.

Жон диёrim, элинг озод, хур,
Фарзандларинг меҳнатда манзур,
Полвонларинг дунёга машхур,
Менинг она- Ўзбекистоним.

Ўзлигини элга танитган,

Ўз номини тарихга битган,
Келажагин орзиқиб кутган,
Мангу маъво боғу-бўстоним,
Менинг она- Ўзбекистоним.

СОФИНДИМ

Дунёда энг содда, меҳрибон,
Ҳар қилган дуоси бир осмон.
Сиздек меҳрибон йўқ, онажон,
Мен ширин аллангиз соғиндим.

Сочингизда оқ тола – дардларим,
Юзингизда ажинлар – шартларим.
Дунёда бойлигим, ҳам зарим,
Онажон меҳрингиз соғиндим.

Сиз эккан райхонни бўйладим,
Атрига ҳеч қачон тўймадим.
Куйласам, сиз учун куйладим,
Мен ширин сўзингиз соғиндим.

Ҳар босган изингиз муқаддас,
Дуогўй сўзингиз муқаддас.
Пойингизда бўлолсам, оддий хас,
Меҳрли юзингиз соғиндим.

Ҳар тонг қўлларим дуога,
Илтижолар килгум Худога.
Онам кўп яшасин дунёда,
Мен фақат ўзингиз соғиндим.

МАНГУ ЛАҲЗАЛАР

Ўткинчи эрур олис орзуладар,
Ўткинчи ёшлик, шодон – кулгуладар.
У факат дунёда мангу яшайди,
Қалбингда ин қурган мўнис туйғулар.

Бу фоний оламда дийдор ғанимат,
Ҳар инсон ўткинчи, ўлим хақиқат.
Яхшилик дунёда мангу яшайди,
Яхши ном қолгуси инсондан фақат.

Ўтади йиллар, ўтади йўллар,
Осмонга узатсанг етмайди қўллар.
Она ер барчага очар қучоғин,
Умр карвонимиз тўхтаган кунлар.

Ўткинчи эрур гўзал фасллар,
Осмонга бўйлаган давлат, қасрлар.
Саждага бошинг эг ҳамиша Мансур,
Дунёни гўзаллик, дуо қутқарар.

БАҲОР ФАСЛИ КЕЛГАНДА

Табиат – соҳибжамол,
Майин эсади шамол,
Япроқ ёзар мажнунтол,
Баҳор фасли келганда.

Таъзим қиласи тоғлар,
Осмон, қуёш ва боғлар,
Тўлиб оқар дарёлар,
Баҳор фасли келганда.

Гуллайди дарахт қийғоч,

Келтирап шодлик, қувонч,
Кийлаб қўшиқ қалдирғоч,
Баҳор фасли келганда.

Парвоз қилас турналар,
Қуёш кўқдан сочар зар,
Энтиқади ёш қалблар,
Баҳор фасли келганда.

ЎЗБЕГИМ ТЎЙЛАРИ

Ўзбек йигит мард, қизи хушрой бўлади,
Икки қалбнинг муҳаббати куй бўлади,
Насиб этса, бир кун келиб тўй бўлади,
Тўйнинг гашти қалблардан ҳеч кетмайди,
Ўзбегимнинг тўйларига етмайди.

Ўн саккизга кирган қиз бўй бўлади,
Ҳар инсон ният қилиб тўй қиласди,
Севишганлар баҳтидан пок уй қуради,
Ўзбек қизи номардга қўл тутмайди,
Ўзбегимнинг тўйларига етмайди.

Гўзал воҳа, водийининг алёри бор,
Момолари тўйда айтар ёр-ёри бор,
Боболардан меърос қолган тумори бор,
Ўзбек йигит ваъдасин унутмайди,
Ўзбегимнинг тўйларига етмайди.

Самарқанднинг ширин нони, ҳолвалари,
Хоразмнинг оши, Кешнинг хурмолари,
Тошкентимнинг қази, Чустнинг олмалари,
Татиб кўринг, таъми тилдан кетмайди,
Ўзбегимнинг тўйларига етмайди.

Қалби бутун, дастурхони тўқин элим,
Меҳнатсевар, ёши-қари билмас тиним,
Бош эгиб, хизматига шай турай ўзим,
Тўйлари ҳеч шўх ялласиз ўтмайди,
Ўзбегимнинг тўйларига етмайди.

МУҲАББАТ

Юракни оловдек куйдирап,
Ўзгани ўзингдек сўйдирап,
Армонни пичоқсиз сўйдирап,
Қалбингда бор бўлса муҳаббат.

Тошда ҳам майсани ундирап,
Сабрга, тоқатга кўндирап,
Ғазабни диллардан сўндирап,
Қалбингда бор бўлса муҳаббат.

Минг йиллик аразни ўлдирап,
Дилларни соғинчга тўлдирап,
Ҳар куни йиғлатиб, кулдирап,
Қалбингда бор бўлса муҳаббат.

АРМОН

Ғаридунё ишларинг ғалат,
Кимга шодлик, кимга армонсан.
Кимга чимдим лойинг ғанимат,
Шу ғурбатда доим омонсан.

Қучоғингда бир олам туйғу,
Кўнгли ярим, етим-есирлар.

Кимнинг дарди, ҳаёти кулгу,
Ёлғон бари, сохта бу диллар.

Қайда ўзи ростинг эй дунё,
Уммондами ёки осмонда.
Мактавингга учдимми гўё,
Макринг яшар дориломонда.

Ўткинчи бу орзуларинг-чун,
Шартми қуллуқ, шахсга сифиниши.
Кўз ёшимга арзирмидинг сен,
Ёш бошимга солсангда ташвиш.

Нобакорнинг ҳийласи ёмон,
Ортингдан жим қилишар ғийбат.
Бу ўткинчи дунёда ҳамон,
Мангу яшар оддий ҳақиқат.

ЙИГИТЛАР

Қиз боланинг нозлари бўй еткунча,
Эркалиги, кўз ёшлари тўй ўткунча,
Ишонади рости ёлғонга еткунча,
Севгисини савдо қилманг мард йигитлар.

У биргина ширин сўзга гадо бўлур,
Савлатгамас, меҳрингизга шайдо бўлур,
Кулфат солманг ёш бошига ғавғо бўлур,
Меҳрингизни дариф тутманг мард йигитлар.

Қизи бор уй файзи бўлак кошонадур,
Ориятли, ризқи улуғ остоңадур,
Ранжитсангиз гар дилини вайронадур,
Бутун қалбин ярим қилманг мард йигитлар.

Ҳар ошиқнинг баҳтини Худо берсин,
Чин севгининг ишончи вафо бўлсин,
Бешиклар Фарҳоду, Шириналарга тўлсин,
Йигит Пирим сизга ҳамроҳ мард йигитлар.

Эр йигитлар унутмас ўз аёлини,
Саклар доим, ор-номусу, хаёлини,
Олмас меҳр-муҳаббатнинг уволини,
Ўз ёрига садоқатли мард йигитлар.

ҚАШҚАДАРЁ-ОНАЖОН

Сенсан буюк Ватаним,
Гуллар ичра чаманим.
Мангу маво баҳорим,
Қашқадарё – онажон.

Ўғлонларинг полвондир,
Алпомишдек қалқондир.
Тарихда у султондир,
Қашқадарё – онажон.

Амир Темур Ватани,
Насафийлар маскани.
Хур ўзбегим гулшани,
Қашқадарё – онажон.

Мақбаралар сенга шон,
Чексиз бойликларга кон.
Ўзлигинг элга достон,
Қашқадарё – онажон.

Шўх қизлари чевардир,

Ва тенгги йўқ гўзалдир.
Сенга ўқийди такбир,
Қашқадарё – онажон.

ЁРИМ МАНИ

Ул ёрни шайдосиман,
Парвона жоним мани.
Ишқида адосиман,
Куйдирди золим мани.

Боғида булбул бўлдим,
Куй бўлди оҳим мани.
Ул ёр бевафо экан,
Бечора ҳолим мани.

Нетай ёр сани севдим,
Надир гуноҳим мани.
Армонни қўлин тутдим,
Асра Аллоҳим мани.

Асра эй пок муҳаббат,
Йўқдир озорим мани.
Бу беш кунлик дунёда,
Садпора ҳолим мани.

ИШҚ ҚАСРИ

Ишқ қасри битмас осон,
Чин ошиқ бўлмагунча.
Азобида қолар жон
Ошиқ қалб тўймагунча.

Севганинг севмас экан,
Давлатинг бўлмагунча.
Бевафо куймас экан
Севишни билмагунча.

Бевафодан бўл йироқ,
Аллоҳни севмагунча.
Дуога бўлгин муштоқ
Паймонанг тўлмагунча.

Бу дунё бир азобдир,
Нафсингни тиймагунча.
Нокас ҳоли харобдир
Чин инсон бўлмагунча.

Ўзгани билмас нодон,
Ўзлигин билмагунча.
Омади кулмас ҳамон
Тақдири кулмагунча.

ДИЙДОР ШИРИН

(Ҳамқиииологим, марҳум Шерзодбекка)

Бевақт ажал шафқатни билмас экан,
Қаро ер одамга ҳеч тўймас экан.
Бу омонатда дунёда дийдор ширин,
Замондошим ёш жонинг билмас экан.

Кўчаларни тўлдириб юрган эдинг,
Кенг дунёда бир сенга жой йўқмиди.
Эндиғина балоғатга тўлган эдинг,
Дўстлар йиғлаб, душман қўнгли тўлдими.

Ёлғон бари, мен бунга ишонмадим,
Кўкрак кериб, гоҳо қулиб юргандайсан.
Омонат жон хасталигин ичга ютиб,
Бу дунёдан шунчаки юз бургандайсан.

СЕН КЕТАСАН

Сен кетасан...
Ортингдан термулиб кўзларим толар,
Хаёлим ўзига сўйлайди эртак.
Бўғзимда тиқилиб сўзларим қолар,
Унга олиб бор деб йифлайди юрак.

Сен кетасан...
Сочларинг тўзғитиб, ҳиссиз, паришон,
Бахтимга энг сўннги нуқтани қўйиб.
Биламан,сен мени севаман ҳамон,
Лекин болаликка қўясан йўйиб.

Сен кетасан...
Ортингдан бир бора қиё боқмасдан,
Армондан қўлимга тутқазиб қалам.
Кимнидир севарсан ёқиб, ёқмасдан,
Балки баҳт топарсан, балки изтироб.

Сен кетасан...
Юрагим аввалдек урмайди энди,
Қўлларим бўғзимдан тутиб олади.
Мендан ёдгор бўлиб ёруғ дунёда,
Қуёшсиз бўзарган уфқим қолади.

БОЛАСИНИ ТАШЛАБ КЕТГАНЛАР

Тунлари қийналиб чиқар,
Гуноҳлари юрагин сиқар,
Паймонаси тўлар шу маҳал,
Боласини ташлаб кетганлар.

Кўзлари нам, юраклари қон,
Дилига ғам, беҳаловат жон,
Дўзах билан бўлар ёнма-ён,
Боласини ташлаб кетганлар.

Мухаббатни ўйин билдилар,
Дилбандини ҳазар қилдилар,
Гўдак қадрин кейин билдилар,
Боласини ташлаб кетганлар.

Яратганинг қарғиши ёмон,
Тош юраклар топмайди дармон,
Вужудини кемирар армон,
Боласини ташлаб кетганлар.

Онасиз болалар бўлмасин,
Мехрга интизор бўлмасин,
Охират азобин ўйласин,
Боласини ташлаб кетганлар.

ДЎСТИНГ БОР БЎЛСИН

Майли ғарид бўлгин,
Майли нотавон.
Яirim жон бўлсанг ҳам,
Дўстинг бор бўлсин.

Бахтсиз кунларингда,
Умид тилаган.

Ишончли сирдош,
Дўстинг бор бўлсин.

Ёлғизлик азоби,
Ёв бўлар ҳамон.
Халоскор йўлдош,
Дўстинг бор бўлсин.

Умр карвонида,
Бўлиб елкадош.
Қиёматли дилдош,
Дўстинг бор бўлсин.

Яримта нонингни,
Куш ҳам еб кетар.
Оқибат билгувчи,
Дўстинг бор бўлсин.

Дард келса сабр қил,
Эгилма асло.
Қалқон бўлгувчи,
Дўстинг бор бўлсин.

Бўлмаса бўлмасин,
Давлатинг аммо.
Ёнингда тургувчи,
Дўстинг бор бўлсин.

Хато қилишингни,
Кимлар зор кутар.
Қувончинингга шерик,
Дўстинг бор бўлсин.

Паймонанг тўлганда,
Ортингдан йиғлаб.

Тобутинг тутган,
Дўстинг бор бўлсин.

Чорасиз қолган,
Дилбандинг юпатиб.
Бошини силаган,
Дўстинг бор бўлсин.

Сенга тош отган,
Гумроҳни тутиб.
Инсоф тилаган,
Дўстинг бор бўлсин.

БАХТЛИ БЎЛАСАН

Қалбингда Аллоҳнинг каломи бўлсин,
Тилингда эзгулик саломи бўлсин,
Омад сенга бўйтумор бўлсин,
Камронбек албатта баҳтли бўласан.

Хаёл пинжида сиқилма асло,
Нодир бўл, мағрур бўл, бебаҳо, танҳо,
Сени ғам-ғуссадан асрасин Худо,
Камронбек албатта баҳтли бўласан.

СОФИНГАНИМДА

Юракларим тўлиб кетади,
Ёмон ўйни юлиб кетади,
Кўзимга ёш тўлиб кетади,
Она, сизни соғинганимда.

Бағрингизда улғайган эдим,

Лочин эдим, эркажон эдим,
Қадрингизни жуда кеч билдим,
Мусофирилик жондан ўтганда.

Узок ўйга чўмиб қоламан,
Софинч ўти ичра ёнаман,
Шахри Кеш томон чопаман,
Она, сизни соғинганимда.

МОҲИТАБОНИМ

Нигоҳларим сени ахтарар,
Сени фақат моҳитабоним.
Сенсиз нетай юрагим ёнар,
Эй лаблари шакари-болим.

Ишқинг ўтида ёнадурман,
Мажнун бўлди девона жоним.
Қачон васлингга қонадурман,
Сўргил мани бечора ҳолим.

Лайли бўлиб ёнимга келгин,
Эй, соchlари суман малагим.
Ой мисоли тўлиб юргин,
Бу дунёда ўзинг керагим.

Бир ширин сўзингга хуморман,
Нозларингдан айланай дилдор.
Ҳар лаҳза васлингга зорман,
Бўлай сенга садоқатли ёр.

АЁЛГА ТАЪЗИМ

Дунёни кутқарар мөхрингиз,
Ҳар қалбга гул қадар сўзингиз,
Бахтимизга омон бўлингиз,
Сизга таъзим аёллар, сизларга таъзим.

Сочингизда оқ тола дардимиз,
Юзингизда ажинлар шартимиз,
Кўзингиз ёшланса, мардми биз,
Сизга таъзим аёллар, сизларга таъзим.

Бир эмас, қирқтадур жонингиз,
Ҳар жойда улуғdir номингиз,
Бу дунё тургунча қолингиз,
Сизга таъзим аёллар, сизларга таъзим.

Ажинлар тушмасин ой – юзларга,
Кўз тегмасин бу қаро кўзларга,
Илоҳим кирингиз юзларга,
Сизга таъзим аёллар, сизларга таъзим.

ОТА ҚАДРИ

Отам борки, бағри бутунман,
Отам борки, ёруғ учқунман.
Отасиз мен бу дунёларда,
Сўнаётган оддий тутутнман.

Маддоҳларнинг миннат ошидан,
Ота, қотган нонинг табаррук.
Сохта дўстлар мингта бошидан,
Соддагина сўзинг табаррук.

Дуоларинг қалбимга зиё,
Армонларинг куйлаб ўтаман.

Мен мангалик дафтарларига,
Сувратингни чизиб кетаман.

Худойимдан ўтингларим кўп,
Камлаб бергин отам дардини.
Мусофирилик даштида ёниб,
Билмоқдаман отам қадрини.

ТОШКЕНТИМ

Лочин нетар самода,
Ерга кўзи ўтмаса.
Инсон нетар дунёда,
Ўз юртини севмаса.

Яра элнинг корига,
Дардига, дармонига.
Шукур қилгин эй инсон,
Шу Ватанинг борига.

Гўзал Тошкент Ватаним,
Доим бағринг қучаман.
Сенга бўлиб маҳлиё,
Осмонингда учаман.

Севаман тупроғингни,
Булбулу, ҳар зоғингни.
Яланг оёқ кезаман.
Жаннатга тенг боғингни.

Сув бўйида бир ҳилол,
Сочинг ўраг мажнунтол.
Ҳар бир мард ўғлонингга,
Кулади баҳту-икбол.

ҚАШҚАДАРЁ

Қашқадарё турон замин садоси,
Райхон юзин ўпар Кешнинг сабоси.
Мадҳ этади қўлда дутори Мансур,
Шоирлар бу чиройнинг шайдоси.

Сойларида мажнунтоллар ярашган,
Шаббодалар кокилларин талашган.
Йигитларнинг нигоҳини кўйдириб,
Хилол қизлар ишва билан қарашан.

Дилни ўртар ҳофизларин навоси,
Дунё кезар бахшиларин овози.
Йигитлари Алпомишдек мард ўғлон,
Қизларида бордир Барчин вафоси.

Ризқи улуғ жаннатмакон боғлари,
Самоларни қўчар мағрур тоғлари.
Ҳақ йўлидан адашмайди бу юртнинг,
Ҳидоятдан сўзлар булбул, зоғлари.

Тўйларида кўпкарилар улашар,
Полвонлари ор-номус деб курашар.
Боболари саховатли, дуогўй,
Момолари бахту-икбол тилашар.

БЕВАФО

Қалби тўла қайғу бўлади,
Омад қуши юз ўгиради.
Виждон азоб бағрин тилади,

Муҳаббатни ўйин қилганлар.

Ошига кўл солади шайтон,
Йўлида кўп учрайди нодон.
Қилимишидан бўлади ҳайрон,
Муҳаббатни ўйин қилганлар.

Қиз алданди, йигит алданди,
Пок муҳаббат вафо алданди.
Ишқ торида наво алданди,
Муҳаббатни ўйин қилганлар.

АЗОБИМ

Севгим ширин азобим,
Ҳажрингда мен ёнаман.
Сенсиз бу дунёларда
Айт, кимга ишонаман.

Боғларимда очилган,
Гулу-райхоним эдинг.
Ишқ васлига сўйдирган
Куйларим, оҳим эдинг.

Ошиқлар сирларини,
Мажнунтол билар эди.
Ҳамон бошини эгиб
Менга баҳт тилар эди.

Кўз тегдими севгимга,
Гуноҳим не кўзмунчоқ.
Ширин азобдан ёдгор
Хотиралар овунчоқ.

СОҒИНДИМ ОНА

Мусоғирлик ёлғизлаб қўйди,
Сохта дўстлар бағримни ўйди,
Нетай армон бепичоқ сўйди,
Дуоларинг соғиндим она.

Мени кутган кўзингда ёшман,
Мен бешавқат, мен бағри тошман,
Сен ёқтирган гулга сирдошман,
Гулбоғингни соғиндим она.

Сочингдаги оппоқ толангман,
Тонгда қилган дарду- нолангман,
Мен бир буюқ, инжиқ болангман,
Нигоҳингни соғиндим она.

Худойимдан мени сўраган,
Улғайтирган, баҳтим тилаган,
Омон бўл деб бошим силаган,
Қадоқ қўлинг соғиндим она.

Шўх дамларим қишлоқда ўтган,
Болалигим этагинг тутган,
Яланг оёқ қирларда юрган,
Тупроқ йўлни соғиндим она

ЁЛҒИЗ

Гул юзли ёр олдинг ақлимни,
Асир этдинг ошиқ қалбимни,
Сенга бўлган муҳаббатимни,
Рашки билан қоламан ёлғиз.

Севдим сени оҳу қўзингни,
Тўлинойдек тўлган юзингни,
Танамда жон бўлган сўзингни,
Сехри билан қоламан ёлғиз.

Севдим сени нозик қўлингни,
Нетай, ололмадим кўнглингни,
Ишқ боғида севган гулингни,
Мехри билан қоламан ёлғиз.

Севдим сени гўзал исмингни,
Сарвиқомат гулдек жисмингни,
Тангрим асрасин деб ўзингни,
Сўзим билан қоламан ёлғиз.

Сен кўқдаги тўлинойгинам,
Тумор бўлай ҳеч кўрмагин нам,
Бахтли бўлгин дунёда сен ҳам,
Севгим билан қоламан ёлғиз.

Кўрганингда нафрат-ла, боқма,
Юрак-бағрим оловда ёқма,
Кўз ёшингдан маржонлар тақма,
Гулим билан қоламан ёлғиз.

Майли қучай армонни тутиб,
Келмасанг ҳам интизор кутиб,
Тўйинг куни ёр-ёрлар айтиб,
Ўзим билан қоламан ёлғиз.

Кўзимда порладинг ёш бўлиб,
Юрагимда хур куёш бўлиб,
Туйғуларимга сирдош бўлиб,
Кўнглим билан қоламан ёлғиз.

ОСМОНИЙ ҚИЗЛАР

(ҳазил)

Шунча гўзал бўлса-да,
Қалблари муз осмон қизлар.
Ошиқ қалбин устидан кулиб
Бевафони севгисин излар.

Ўз хуснига бўлиб маҳлиё,
Осмонларга қилишар парвоз.
Лек оёғи ерга турганин
Унутишиб қўйишар бир оз.

Ҳаёл бошқа, ҳаёт бошқадир,
Ҳар бир қизлар билса қанийди.
Чин ошиқнинг уволин олиб
Тақдиридан сўнгра нолийди.

Гўзалликлар вактинча эрур,
Софинч дамлар унутилади.
Ошиқ севса абадий севур
Куттирмайди, лекин кутади.

ОҚИБАТ

Сенсиз бу дунёда адашдим,
Давлату мансаблар талашдим,
Мен билан қолгин деб курашдим,
Қалбимдан кетмагин оқибат.

Дононинг кўзида ёш кўрдим,
Нодоннинг қўлида тош кўрдим,

Мен фақат пойингда бош эгдим,
Қалбимдан кетмагин оқибат.

Сен нечун осмонни севасан,
Сохта қалб борлигин сезасан,
Кетмоқлик режасин тузасан,
Қалбимдан кетмагин оқибат.

Сен отамдан қолган ёдгорсан,
Онамдан эсдалик туморсан,
Сенсиз яшамасман, хуморман,
Қалбимдан кетмагин оқибат.

Инсонлар меҳрдан яралган,
Ҳаёти оқибат аталган,
Поклигинг оламга таралган,
Қалбимдан кетмагин оқибат.

Сен доим шамчироқ йўлимда,
Сенсиз мазмун йўқ умримда,
Аллоҳ инъом этган кўнглимда,
Қалбимдан кетмагин оқибат.

ЎЗБЕК АЁЛИ

Мехробида дунё поклансин,
Хитобида олам шодлансин,
Алласидан қалблар тоблансин,
Ҳар дилбанди бўлсин иболи,
Сизга таъзим, ўзбек аёли.

Сиз тутасиз вафо майини,
Дилга поклаб хаёй сайлини,
Назокатнинг созу найини,

Куйлар унинг ёруғ хаёли,
Сизга таъзим, ўзбек аёли.

Садоқатнинг чертиб созини,
Латофатнинг хуш овозини,
Ҳар кўнгилнинг тинглаб розини,
Мадҳ этади унинг дуоси,
Сизга таъзим, ўзбек аёли.

Иzlарида жаннат иси бор,
Сўзларида эркалар баҳор,
Сизсиз дунё қалбимизда тор,
Ҳар кўнгилнинг мангу баҳори,
Сизга таъзим, ўзбек аёли.

ТОНГ САБОЛАРИ

Эсар майин тонг саболари,
Варақлайди умр дафтарин.
Авж олади булбул куйлари
Уйғонади бу улуғ замин.

Заррин қуёш нурин таратар,
Уйғонади бутун мавжудот.
Беркинади митти юлдузлар
Тонг уйғотар борлиқни ҳайҳот.

Гўзалликка бурканар олам,
Гўзал бўлар қирлар, адирлар.
Кўрса завқи келади одам
Қуюлади дилдан сатрлар.

Тўлиб-тошиб оқмоқда анҳор,
Сойда сочин ўрар мажнунтол.

Кўшиқ олиб келмоқда баҳор
Қучоқ очиб, дўстим, кутиб ол!

АЁЛ

Тунларни тонгларга улаган,
Худойимдан фарзанд тилаган,
Фаришталар бошин силаған,
Тирноққа зор қилма аёлни.

Оху кўздан тўкма ёшини,
Номардларга эгма бошини,
Шайтонларга берма ошини,
Тирноққа зор қилма аёлни.

Ширин сўзга гадолар қилма,
Мұҳаббатин савдолар қилма,
Оқизадир, бағрини тилма,
Тирноққа зор қилма аёлни.

Аёллар бор, шодлан, эй дунё,
Алласидан поклан, эй дунё,
Қалби узра отлан, эй дуё,
Тирноққа зор қилма аёлни.

Беш кунинг ҳам ўтиб кетади,
Армонларни ютиб кетади,
Лекин аёл абад кутади,
Тирноққа зор қилма аёлни.

Унинг буюк давлати фарзанд,
Ва тенги йўқ савлати фарзанд,
Энг сўнгги дам, ноласи фарзанд,
Тирноққа зор қилма аёлни.

Синамагин аёл сабрини,
Эъзозлагин буюк қадрини,
Камлаб бергин унинг дардини,
Тирнокқа зор қилма аёл.

ҚИЗҒАЛДОҚ

Неча ошиқ дардини,
Куйлаган эй қизғалдоқ.
Райҳонларнинг атрини
Бўйлаган эй қизғалдоқ.

Оташ мисол ёноғинг,
Гул-гул ёнар қизғалдоқ.
Дардга малҳам япроғинг
Кўз қувонар қизғалдоқ.

Ҳар баҳорда куй чалиб,
Товланасан қизғалдоқ.
Кокилларнинг ўйнатиб
Тўлғонасан қизғалдоқ.

Муҳаббатнинг эркаси,
Дардинг олай қизғалдоқ.
Сени унуган дилдан
Қасдим олай қизғалдоқ.

ШОДИЁНА

Санъатинг элга манзур,
Камол топ Шодиёна.
Мактасак энди арзир

Янграпр ажиб тарона.

Раққосалар чарх этар,

Товланиб ёна-ёна.

Шўх санъати лол этар

Бу бизнинг Шодиёна.

Ўйна дилбар нозланиб,

Чакканга тақ гул, лола.

Қалблар қўшиққа тўлсин

Бу бизнинг Шодиёна.

Санъатга қўйиб ихлос,

Номинг кетди ҳар ёна.

Куйла ватан мадҳини

Шод бўлиб Шодиёна.

КЎНГИЛ СОҒИНЧИ

Айрилиқда юрагим эздим,

Сенсизлик сахросин кездим,

Рухсорингиз кўрмасам бўлмас,

Сизсиз нетай, бу кўнгил тўлмас.

Кўзингиз кўзимга жойланган,

Ошиқ қалбим сизга бойланган,

Жамолингиз кўрмасам бўлмас,

Сизсиз нетай, бу кўнгил тўлмас.

Ҳар ошиқнинг баҳти Худодан,

Сизни асрасин минг балодан,

Ўзингизни кўрмасам бўлмас,

Сизсиз нетай, бу кўнгил тўлмас.

МУҲАББАТСИЗ ЎТГАН КУНИМ

Бошимга ғам чанг солади,
Қалбим узлат ўтда ёнади,
Кўнглим маъюс бўлиб қолади,
Муҳаббатсиз штган куним.

Юрак йиғлар тўкиб кўз ёш,
Ҳатто тоғлар беролмас бардош,
Қалбим зулмат, ёритмас қуёш,
Муҳаббатсиз ўтган куним.

Суянганим муҳаббатдир,
Пок туйғуга садоқатдир,
Муҳаббатсиз кун Қиёматдир,
Муҳаббатсиз ўтган куним.

ҚАЛІБ НОЛАСИ

Фариб инсон қалби ўксик,
Юлдуз қучган само етмас.
Бу дунёнинг ёлғони кўп
Ростин кутсанг фано етмас.

Нодон фақат кутар давлат,
Беш кунига шукур этмас.
Гадонинг пок қалби савлат
Рихлат этса кафанди етмас.

Орзуларинг бисёр дунё,
Армонларинг тугаб битмас.
Кўз ёшларинг замин бағрин
Кучай деса макон етмас.

Оқибатни қилма сарсон,
Охиратда жавоб етмас.
Умр дарё буюк карвон
Сарбонини ташлаб кетмас.

ЁДНОМА

(*Устоз Муҳамад Юсуфни эслаб*)

Осмонга ерга қулаб тушди,
Унда қуёш, ой қолмади.
Бир ҳокисор рухи учди,
Танам титроқ жон қолмади.

Андижоннинг мард ўғлони,
Тенгсиз эди, даҳо эди.
Воҳ жигарим оғрийди-ей,
Устоз шоир қазо қилди.

Марҳаматнинг кўчалари,
Тирбанд бўлди, тўла бўлди.
Ҳар бир қалбнинг кўзида ёш,
Ким йиғлади, кимлар кулди.

Шоирига меҳрибон эл,
Муҳаммадинг қазо қилди.
Йиғла аҳли Андижоним,
Баҳт куйчиси қазо қилди.

Сувратини кўрганимда,
Юрак-бағрим эзилади.
Устоз сизнинг йўқлигингиз,
Дараларда билинади.

Тошкентнинг тош кўчасидан,
Тополмадим изларингиз.
Бўйин кўриб, тўйин кўрмай,
Кетдингиз гул қизларингиз.

Нозиманинг сўзларида,
Умрбоқий бўлган устоз.
Мадинанинг кўзларида,
Мангу кулиб турган устоз.

Куйчи булбул, дилкаш шоир,
Неча қалбга армон бўлди.
Йиғла алвон қизғалдоғим,
Эрк шоири қазо қилди.

Ишонмайман бу дунёдан,
Шунчаки юз бургандайсиз.
Назаримда Тошкентларда,
Шеърлар ёзиб юргандайсиз.

ТАҚДИР

Тақдир деди: тақдирларга,
Исён қилиб бўлмайди.
Бу дунёning ёлғони кўп,
Ростга кўнгил тўлмайди.

Пешонамга битилгани,
Сочи узун бир ҳилол.
Тошкентга йўл олай десам,
Уни қийнар бир савол.

Гар жонингга тегар бўлсам,
Ўт ёқиб, тошлар отма.

Олис йўлга кетар бўлсан,
Мени йиғлаб кузатма.

Кулиб тургин кулгуларинг,
Кулиб турсин юзимда.
Саволнигоҳ қарашларинг,
Мангу яшар кўзимда.

Бўйгинангга тумор бўлсин,
Пок ниятли сўзларим.
Бу дунёдан қолар сўзим,
Ширин ўғил, қизларим.

Ўйин қулгу, орзу-хавас,
Ўтиб кетар бир пастда.
Сочга оқлар оралайди,
Қўл асо ушлар аста.

Бир кун бошим тегар ерга,
Танам қучар тупроқни.
Қиёматда қолар дийдор,
Махшар кунин кутмоқни.

Қолар қилган яхшиликлар,
Етим шеърим юпатма.
Бу дунёдан кетар бўлсан,
Мени йиғлаб кузатма.

Ўтмиш деди: келажакка,
Тошлар отиб бўлмайди.
Кетар фано карвонида,
Қодир Аллоҳ қўллайди.

БЕГОНА СЕВГИ

Севмаганга дунё татимас,
Яримта баҳт, армонли туйғу.
Севишганлар сира қаримас,
Чин муҳаббат-илохий туйғу.

Севмаганга уйлар бегона,
Карнай-сурнай, түйлар бегона.
Чимилдиқда келинлик гашти,
Шириң хаёл, ўйлар бегона.

Кўз ёшини артар келинчак,
Куёв дардин ичга ютади.
Тақдир эрур гоҳи чархпалак,
Баҳт ўрнини сабр тутади.

ХИВА ҚИЗИ

Гўзал Хива қизларин,
Сочи сумбул бўлармуш.
Ошиклари изинда,
Ҳам қуярмуш, ёнармуш.

Ҳар бир сўзи ширали,
Сехридан маст бўлармуш.
Моҳитабон гўзални,
Ўнта ошиқ севармуш.

Хиванинг эрка қизи,
Вадасида туармуш.
Бевафони ёр билмас,
Мард йигитни севармуш.

МАНСУР ЮНУС

шоир, журналист

1982 йил Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманида туғилган.

2005-2010 йилларда газеталардан “Ниҳол” (бош муҳарир), “Олтин қалам” (масъул котиб), “Мувозанат” (бош муҳаррир), “Шарқ зиёси” (бўлим муҳаррири), “Медиа плюс” (бош муҳаррир ўринбосари), “Муҳаммад Юсуф” фондида директор ўринбосари, “Миллий тикланиш” демократик партияси Олмазор туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси вазифаларида ишлаган.

2010 йил Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясини Халқаро муносабатлар магистри даражасида тамомланган.

Хозирда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги “Маънавият ва маърифат” марказида гуруҳ раҳбари лавозимида фаолият олиб бормоқда.